

Имом Аъзам ва ҳадис илми



21:35 / 23.02.2018 10571

Имом Аъзам раҳматуллоҳ Кўфа шаҳрида дунёга келдилар. У вақтда Кўфа ҳадис ва фикҳ илмлари маркази эди. Кўфада катта бўлдилар, у ернинг уламоларидан илм ҳосил қилдилар.

Олти саҳиҳ китобда (сиҳоҳи ситта) Имом Аъзамнинг исмлари келмагани учун, яъни у кишидан бирор ҳадис ривоят қилинмагани учун, баъзи тор қарашли кишилар Имом Аъзамни ҳадис илмида заиф (кучсиз, билимсиз) деб биладилар. Лекин бу ҳаддан зиёда жоҳилликдир, асоссиз, далилсиз тухматдир. Олти сиҳоҳда фақат Имом Аъзам эмас, балки Имом Шофеъийдан ҳам бирор ҳадис ривоят қилинмаган. Қолаверса, Имом Бухорий ўзининг "Саҳиҳ"ида устози Имом Аҳмад ибн ҳанбалдан ҳам фақатгина уч-тўрт ҳадисгина ривоят қилган. Шунга кўра уларни, бу фикрдан Аллоҳ сақласин, ҳадис илмида заиф бўлишган деймизми!?

Нега олти сиҳоҳда Имом Аъзам ва бошқа мужтаҳид имомлардан ҳадис ривоят қилинмаган, деган саволга қуйидаги жавобларни келтирамиз:

1. Бу имомлар, жумладан Имом Аъзам, фақиҳ эдилар. Шунинг учун уларнинг асосий машғулотлари ҳукмларни баён қилиш бўлган.
2. Бу имомларимиз мужтаҳид бўлишган. Уларнинг юзлаб, ҳатто минглаб шогирдлари ва эргашувчилари мавжуд бўлган. Сиҳоҳ соҳиблари ўйлашича, мужтаҳид имомларимизнинг илмлари (шу жумладан, уларнинг ривоят қилган ҳадислари) уларнинг шогирдлари орқали сақланиб қолади. Шунинг учун илмлари сақланмасдан йўқолиб кетиш эҳтимоли бўлган уламоларнинг илмларини, ривоятларини (ўзларининг китобларида) сақлаб қолишди.
3. Имом Аъзамнинг ҳадис илмидаги буюк мақомлари инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Қолаверса, Имом Аъзам барча уламолар иттифоқи билан мужтаҳиддир. ҳадис илмида мукамал билим-басиратнинг бўлиши мужтаҳидлик шартларидандир. Шунга кўра, агар Имом Аъзам ҳадис илмида заиф бўлсалар, уламолар қандоқ қилиб мужтаҳид деб иттифоқ қиладилар?!

Шундай қилиб, буюк муҳаддис уламолар ҳам у кишининг илмий мақомини тўла эътироф қилганлар. ўша эътирофларни бу ерда нақл қилинса, катта бир китоб бўлади. Абу ҳанифа маноқиблари борасидаги китоблардан кўришингиз мумкин. Бу ерда улардан бир нечтасинигина зикр қилинади:

1. Маккий ибн Иброҳим раҳматуллоҳ Имом Аъзам Абу ҳанифа ҳақларида шундай дейди:

“У ўз замонасининг энг олими эди.”

Маккий ибн Иброҳим раҳматуллоҳ ҳақида тўхталиб ўтилса, у киши Имом Бухорийнинг энг қадрли буюк устозидир. Имом Бухорий ўзининг аксар сулосиётларини айнан у кишидан ривоят қилганлар. Маккий ибн Иброҳим эса Имом Аъзам Абу ҳанифанинг шогирдидирлар.

У замонларда илмдан мурод ҳадис илми эди. Шунга кўра Маккий раҳматуллоҳнинг гапини қуйидагича тушунилади: "Имом Аъзам ҳадис илмида энг катта олимдир."

У замонларда илмдан мурод ҳадис илми эди. Шунга кўра, Имом Абу Ҳанифа ҳадис илмида ўз замонасининг энг катта олими эди.

2. Машҳур муҳаддис Язид ибн Ҳорун раҳматуллоҳ марҳамат қилади:

"Мен минг нафар шайхни топдим ва улардан (ҳадис) ёзиб олдим. Бу беш шайхдан фақихроғини, тақволироғини, олимроғини топмадим. Уларнинг энг биринчиси Абу Ҳанифадир. (Бу иккисини Имом Заҳабий "Тазкиротул Ҳуффоз" китобида зикр қилган.

3. Имом Суфён ибн Уяйна дейди:

"Кўфада Абу Ҳанифа замонида ундан афзал, ундан тақволи ва ундан фақихроқ киши йўқ эди." (Имом Заҳабий "Тазкиротул Ҳуффоз" 1-жилд 195-саҳифа)

4. Имом Абу Довуд марҳамат қилади:

"Шак-шубҳасиз Абу Ҳанифа имом эди." (Имом Заҳабий "Тазкиротул Ҳуффоз" 1-жилд 160-саҳифа)

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳнинг ҳадис илмидаги мартабаси қанчалик юқори эканлигини билиш учун унинг устозлари ва шогирдларига бир назар ташлаш кифоя қилади.

Ҳофиз Абулҳажжож Маззий "Таҳзибул Камол" китобида Имом Абу Ҳанифанинг 74 шайхини санаб ўтган.

Ҳофиз Суютий эса ўзининг "Табйид ас-Соҳфийя маноқиб Аби Ҳанифа" китобида Имом Абу Ҳанифанинг шайхларининг исмларини зикр қилган.

Уламоларга маълумки, Ҳофиз Абулҳажжож Имом Аъзамнинг барча шайхларини эмас, балки намуна тарзида бир қанчасини келтирган.

Мулла Али Қори "Муснаду Аби Ҳанифа"га ёзган шарҳида Имом Аъзамнинг шайхлари 4000 (тўрт минг) дейди. Бу 4000 устоз ёки саҳоба, ёки тобеин, ёки табаъа тобеинлардирлар. Устозлари ичида бундан кейинги табақа шайхлар йўқдир. Бундай устозлар машҳур муҳаддислардан ҳеч бирларига насиб қилмаган.

Муҳаммад Одил